



Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
8 декабрь
пайшанба
№ 150 (4746)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизнинг мамлакатимиз ҳаётидаги улғун тарихий сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоши-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққийетимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустақкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг қўллади демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт куриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди, албатта.

Мухтарам дўстлар!

Дунё миқёсида «Янги Ўзбекистон» деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро май-



дондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгариш ва кўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислохотларни Янги Ўзбекистон тараққийет стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда «Инсон – жамият – давлат» деган тамойилни Конституциямиз ва қонуналаримизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улғулаш бу борадаги ислохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустақкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жа-

мияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз – турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги – 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмоқдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўйбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституция-мизнинг кутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барак тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асра-син!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁШЛАР
ҲУҚУҚЛАРИ
ҲАМИША
ЭЪТИБОРДА



Бош қомусимизнинг 30 йиллиги муносабати билан Тошкент тиббиёт академияси ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг Республика кенгаши ҳамкорлигида «Янги конституцион ислохотларда ёшлар ҳуқуқларини мустақкамлаш» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

Унда Конституция-мизнинг туб моҳияти, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояда эканлиги, демократик жамият куриш йўлидаги ислохотларнинг нечоғлик долзарблиги борасида сўз юритилди. Инсон ҳуқуқлари таъминланган жамиятда тараққийет, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рўй бериши ва халқнинг турмуши фаровонлашиши айтиб ўтилди.

Сўнгра талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқий викторина ташкил этилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Академиянинг «Наво-шиф» бадий дастаси ижросида куй-қўшиқлар тадбири янада файз киритди.

Комила БОЙМУРОВОВА
«ISHONCH»



Тадбир

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Тошкент вилоятидаги «Заркент» санаторийсида Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан «Конституция – бахтимиз қомуси» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ишчи-ҳодимлар ҳамда дам олувчилар қатнашдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар Бош қомусимизнинг халқ ҳаётидаги аҳамияти, обод ва озод юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар учун дастуриламал бўлаётгани ҳақида сўз юритишди. Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқидан тўғри фойдаланиб, Ватанимиз

тараққийетига ҳисса қўшиши лозимлигини айтиб ўтишди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағиш-

Муниса ТУРОБОВА

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 402 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 128 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 201

нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 15 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 58 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 17 нафарини чет эл фуқаролари, 63 нафарини аёл, 26 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 19 нафарини тақиқланган ташки-

лотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Таҳририятга мактублар

Касаба уюшмасидан миннатдорман

Мен ўттиз йилдан буюн давлат идораларида турли лавозимларда бинойидеккина ишлаб келаятгандим. Шу февраль ойида ҳаёлимга келмаган воқеа рўй берди, аниқроғи, ишдан ноҳақ бўшатилдим. Бундан изтироб чекиб, тушкунликка тушиб юрган кезларим Таълим ва фан ходимлари касба уюшмасининг Когон шаҳар кенгаши вакиллари менинг қонуний манфаатларимни ҳимоя қилишга киришдилар. Уларнинг масалага ҳолисона ва одилона ёндашишлари натижасида ўз лавозимимга қайта тикландим. Ҳозирги кунда касба уюшмалари ишчи-ҳодимлар бошини қовуштирадиган, аъзоларига соғлиғини тиклашда ва ижтимоий аҳволини ўнглашда кўмаклашишдан ташқари, иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигига зид хатти-ҳаракатлари устидан жамоатчилик назоратини олиб борадиган, жамоа шартномалари орқали ходимларга қўшимча имтиёзлар қўлланишини ташкиллаштирадиган ташкилот ҳам эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилган ҳолда иш фаолиятимни дадил давом эттиряйман.

Маратой РЎЗИНАЗАРОВА,
Когон шаҳридаги 9-МТТ директори

«ISHONCH»ни катта қизиқиш билан ўқийман

Мен Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институтида чорак асрдан буюн илмий фаолият юритаман. Айни дамларда «Ўзбекистоннинг қумли чуллари флораси» мавзусида илмий изланишлар олиб бораяман, шунингдек, Ўзбекистон Миллий гербарийсида етакчи мутахассис вазифасини бажараяман. Бундан қатъи назар, халқ эътирофига сазовор бўлган «Ishonch» газетасининг ҳар бир сонини кўпчилик сингари катта қизиқиш билан ўқийман. Уни эл-юрт маънавиятини улғулайдиган, ноҳақликка учраганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доимо шай нашрлардан бири деб биламан. Ўз навбатида, бу газетада долзарб мавзуда ёзилган бир нечта мақолам чоп этилганидан фахрланаман. Табиийки, бундан кейин ҳам «Ishonch» билан ижодий алоқаларимни давом эттирмаман ва таҳририят ходимларига ишларида муваффақиятлар тилайман.

Марҳамат МАТВАФОВА,
биология фанлари номзоди

РЕПЕТИТОР

НЕГА КЕРАК?

3

Фарғона вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...



Собиров ишга тикланди

«Фарғона халқаро аэропорти» МЧЖнинг ёнлиги-мойлаш маҳсулотлари хизмати авиатехниги Бобур Собиров ишдан ноҳақ бўшатилганидан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Ўрганиш давомида иш берувчининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинишида Меҳнат кодексининг 101-моддаси бузилгани маълум бўлди.

Қонун бузилиши ҳолати иш берувчига тушунтирилса-да, лекин кор қилмади.

Музокаралар фойда бермагач, вилоят кенгаши томонидан мурожаатчи Б.Собировни ишга тиклаш, мажбурий проғул ва маънавий зарарни ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Судда иш берувчининг Б.Собиров билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи ғайриқонуний деб топилди, ходим ўз вазифасига тикланди.

Шунингдек, Б.Собиров фойдасига «Фарғона халқаро аэропорти» МЧЖдан мажбурий проғул даври учун 5 миллион 836 минг сўм, маънавий зарар учун 5 миллион сўм ундириб берилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

Эътибор



Сиҳатгоҳга бепул йўланма

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан тиббиёт бирлашмаларида фидокорона меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг бир гуруҳига «Қўхинур» сиҳатгоҳига бепул йўланма берилди.

– Касаба уюшмаларига раҳмат, ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаб келади, – дейди вилоят 2-туманлараро физиятрия диспансери ходими Иноятхон Қанонова. – Утган йили касаба уюшмалари ташаббуси билан тари-

хий жойларга саёхатга борган эдик. Касб байрамимиз арафасида сиҳатгоҳга йўланма берилиши эса ҳақиқий тухфа бўлди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Навоий вилояти



Шахло сўз берди

Навоий давлат педагогика институтининг табиий фанлар факультети 3-босқич талабаси Шахло Рўзиева ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам тенгқурларига ўрнак бўлгани боис яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг махсус стипендиясига сазовор бўлди. Энди у 2023 йилнинг январь ойидан бошлаб мамлакатимизда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг икки баробари миқдоридидаги стипендияни олиб туради.

– Мен ҳам, имконияти чекланган ота-онам ҳам бундай эътибор ва эъзоздан беҳад миннатдорим. Бундай ғамхўрликка жавобан аъло баҳоларга ўқиб, келажақда етуқ муаллима бўлишга сўз бераман, – дейди Шахло Рўзиева.

Миннатдорлик

Фаолият

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи тумани кенгашида айни пайтда 112 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, умумий аъзоларнинг сони 7 минг 150 нафарга етди.

Устозлар мудом эъзозда

Жорий йилда турли байрам ва муҳим саналар муносабати билан 400 нафардан ортиқ ўқитувчига, нафақадаги муаллимларга касаба уюшмалари ҳамда суғурта маблағлари ҳисобидан турли амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бу орада республикамизнинг диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштириш билан бирга устозларга санаторийларда дам олишлари учун имтиёзли йўланмалар берилди.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

Халқаро семинар

Меҳнат қонунчилиги такомиллашмоқда



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Марказий Осиё мамлакатларида меҳнат қонунчилигини ривожлантириш тенденциялари» мавзусида бир вақтнинг ўзида онлайн ҳам офлайн форматларда халқаро семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Федерациянинг ижтимоий шериклари саналмиш вазирлик ва идоралар, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари кенгашлари масъуллари, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси экспертлари, Марказий Осиё мамлакатлари, Мўғулистон миллий касаба уюшма марказлари раҳбарлари ва мутасаддилари иштирок этдилар.

Долзарб аҳамиятга эга ушбу семинар минтақа давлатларидаги меҳнат соҳасига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳозирги даврдаги ривожланиш тенденцияларини яна бир бор таҳлил қилиш имконини берди. Чунки меҳнат қонунчилигига боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни қабул қилишдан асосий мақсад инсонларнинг турмуш фаровонлигини оширишдир.

Маълумки, яқинда Президентимиз янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини имзолади ва у 2023 йил 30 апрелдан эътиборан кучга кирадиган бўлди. Бу кодексни ишлаб чиқиш учун қатор объектив сабаблар бор эди. Жумладан, 1995 йили қабул қилинган амалдаги Меҳнат кодекси эндиликда ўз вазифасини ўтаб бўлгани, фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб этишининг турли-туман янги шакллари яратилгани сабабли замонавий талабларга жавоб бера олмай қолган эди. 2 та қисм, 34 та боб ва 581 та моддадан иборат янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини тайёр-

лаш жараёнида эса Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари, Фарбий ва Шаркий Европа, Осиёнинг етакчи давлатлари, шунингдек, МДҲга аъзо мамлакатлар тажрибалари ҳам ўрганилди.

Бу кодексда меҳнат ҳуқуқининг алоҳида институтлари бағишланган махсус қисми ўз ичига «Ишга жойлаштириш», «Индивидуал меҳнат муносабатлари», «Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш» каби бўлимларни олган. Яна бир аҳамият-ли жиҳати, янги таҳрирдаги кодекс бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда, ходимларнинг ҳам, иш берувчиларнинг ҳам манфаатлари балансини таъминлаш имконини беради. Шу-

нингдек, унда ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатлари балансини эътиборда тутиб, меҳнат муносабатларини тартибга соладиган янги нормалар ҳам мавжуд. Бунда ходимлар ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайтириш билан бир қаторда, қўшимча кафолат ва имтиёзлар назарда тутилган. Масалан, ишга қабул қилишда дастлабки синов мuddатини белгилаш мумкин бўлмаган шахслар доираси кенгайтирилган.

Семинар қатнашчилари қўшни республикалар ва Мўғулистондаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ҳамда меҳнат қонунчилиги юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Келгусида ушбу мамлакатлардаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва меҳнат қонунчилигини халқаро ҳамда миллий меҳнат

стандартларига мос равишда янада такомиллаштириб бориш масалаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистонда айни йўналишларда амалга оширилаётган ишлар ва ислохотлар Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси мутасаддилари томонидан юқори баҳоланди.

Тадбир якунида бу каби анжуманлар меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги фаолиятни келгусида янада такомиллаштириш имконини бериши таъкидлаб ўтилди.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Матбуот хизмати раҳбари

Қашқадарё вилояти

Одам – оламнинг олтин тожи

Бемор йигит соғлом ҳаётга қайтди

«Шўртангазим» мажмуасида фаррош бўлиб ишловчи Гулчехра Ўринова кутилмаганда тақдир синовида дуч келди. Унинг олий ўқув юртида ўқийдиган ўғли оғир дардга чалинди, аниқроғи, буйрагининг биттаси қуриб қолди. Табиийки, онаизор бундан қаттиқ хавотир ва изтиробга тушди.

Шундай қалтис вазиятда уни яқинлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Энг аввало, турмуш ўртоғи унга суянчи бўлди – битта буйрагини дилбандига беришга аҳд қилди. Бироқ буйракни кўчириб ўтказиш учун катта маблағ керак эди. Эр-хотиннинг толган-тутгани эса уни қоплаш учун етмасди.

Шу боис Гулчехра опа ўйлай-ўйлай, охири ўзи ишлайдиган корхона касаба уюшма кўмитасига мурожаат қилди. Кўп ўтмай, жамоа шартномасига мувофиқ, унга моддий ёрдам ажратилди. Бундан ташқари, жарроҳлик амалиёти учун зарур катта миқдордаги маблағни йиғиш ниятида умуммажмуа хайрия акцияси эълон қилинди. Жамоадаги ҳар бир ходим Гулчехра Ўриновага баҳоли қудрат маддадор бўлиш мақсадида ўз ихтиёри билан атаган маб-

лағини берди. Цехлар касаба уюшма етакчилари бошчилигида анча пул йиғилди. Сўнгра ота-дорлик қилган жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди. Навқирон йигит яна соғлом ҳаётга қайтди.

Бундан она бояқиш қанчалар қувонганини таърифлаш қийин. У барча ҳамкасбларига ва корхона касаба уюшма кўмитасига қайта-қайта миннатдорчилик билдирди. Ҳатто уларни нажот фаришталарига қиёслади...

«Шўртангазим» мажмуаси касаба уюшма кўмитасининг жамоа шартномасига мувофиқ амалга ошираётган бундай хайрли тадбирлари, ходимларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш борасида олиб бораётган ишлари кўп. Масалан, биргина ноябрь ойида 129 нафар ходимнинг фарзанди учун ўқув-контракт пуллари тўлаб берилди, 81 на-

фар ходимга ўзи ёки оила аъзолари даволаниши учун моддий ёрдам кўрсатилди. Кичиктойларининг суннат тўйини ўтказган 35 нафар, никоҳ тўйи муносабати билан 42 нафар хизматчи моддий томондан қўллаб-қувватланди.

Албатта, бу ишларда алоҳида комиссияларнинг хизмати ҳам катта бўлаётир. Яъни, бу комиссиялар аъзолари ходимлар аризаларини батафсил ўрганиб, тегишли ҳулоса чиқаради. Кейин баённома расмийлаштириб, қўшма қарор тасдиқланиши учун иш берувчига тақдим этади.

Энг муҳими, касаба уюшма кўмитаси кўмагида ходимларнинг мушуқли осонлашмоқда. Ўз навбатида, уларда корхона ривожига ҳисса қўшиш, фаровон ҳаётга интилиш ҳисси тобора кучайиб бормоқда.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Саховат



ЭЗГУ АМАЛЛАР БАРДАВОМ

«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида «Инсон қадри учун» тамойили асосида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай эзгу амаллар, айниқса, байрамлар арафасида авж олади.

Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан корхона ходимлари касаба уюшмаси кенгаши Олмалик шаҳридаги 80-қар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати ҳамда 6-иختисослаштирилган ёрдамчи мактаб ўқувчиларига совғалар улашди. Завод ташаббуси билан қар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатига спорт жиҳозлари, маиший техника воситалари ҳам совға қилинди.

Бундан ташқари, комбинат таркибий бўлимларига бириктирилган Пискент туманидаги 79-интернат ҳамда Оҳангарон туманидаги «Мурувват» ва «Саховат» уйларида байрам тадбирлари ўтказилди.

Тадбирлар жараёнида муқаддам комбинатда ишлаган 272 нафар ногиронлиги бор пенсионерга эзик-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Феруза БОЗОРОВА,
«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касаба уюшмасининг ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассиси

Тошкент шаҳри



КўНГИЛГА ТАШРИФ

«Вақф» хайрия фондининг Тошкент шаҳар филиали Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан кўзи ожизлар, гапириш ва эшитишда нуқсонли бор ва бошқа ногиронлиги бўлган 350 нафар киши иштирокида хайрия тадбири ўтказди.

– Ўқсик дилларни шодлантириш азалий урф-одатимиздир, – дейди «Вақф» хайрия фондининг Тошкент шаҳар филиали раҳбари Зоҳиджон Тўраев. – Бу хайрли анъанани давом эттирсак, ўзимизни бахтиёр ҳис қиламиз.

Тадбир доирасида ногиронлиги бор ҳамшаҳарларимизнинг қўл меҳнати кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган юртдошларимиз учун хайрия дастурхони ёзилди. Совғалар тарқатилиб, кўнгилларга шодлик улашилди.

Комила СУННАТОВА

Бошланғич мактабда ўқиб юрган кезларим отамнинг кутубхонасидаги айрим китоблар ва мақолаларнинг қирқма нусхалари мени қизиқтира бошлаган. Чунки улар мен учун мутлақ нотаниш араб имлосида ёзилган эди. Шу қирқма мақолалардан бири, отамнинг айтишларича, эски танбур нотаси ҳақида экан. Шу вақтгача Шарқда ижод қилинган куй ва қўшиқларни нотага ёзиб олиш маданияти бўлмагани боис мен бу мақолага қизиққан-дан қизиқдим. Орадан анча йиллар ўтгач, маълум бўлдики, бу мақола атоқли ўзбек рассоми, китоб наққоши Искандар Икромов қаламига мансуб экан.

Житоб наққоши



зо-казолар билан доим гавжум бўлган.

Искандар Икромов ҳикояси: *Бир кун дўжона қорачадан келган, йўл-йўли оқ бекасман кийган, ўрта бўйли бир киши кирди келди. Амаким дўжонада эди. Улар кунюқ сўрашди, курсида ўтириб, бироз сўхбатлашди ва ҳалиги киши икки-учта китоб харид қилиб, хайрлашиб чиқиб кетди. Бироздан сўнг дўжонни сотувчиға қолдириб, амаким билан уйға қайтди. Йўлда амаким ҳалиги қорачадан келган киши Абдулла Қодирийнинг айтди...*

1923 йилнинг февраль ойида «Муштум» журнали нашр этила бошлади. Қодирийнинг ҳажвий ва саргузашт асарлари журналининг асосий материали ҳисобланарди. Уша вақтларда ҳаваскор ижодкор сифатида «Зулқарнайн» тахаллуси билан «Муштум»га қатнашар, кичик-кичик лавҳалар ёзар эдим. Сўнгра журналга карикатуралар ишлай бошладим. Шу жараёнда оз-оз бўлса ҳам Абдулла аканинг сўхбатлариға мушарраф бўлдим.

Абдулла ака кўп гапирмасди, аммо маънодор сўзларди. Рассомликка бўлган қобилиятимни кўриб, санъатнинг бу турини кунт билан ўрганиш учун Ленинград ёки Москва шаҳарларига бориб ўқиниш маслаҳат берди. Шундай ҳам бўлди...

Искандар Икромов 1924 йил Москвага бориб, Олий давлат бадиий-техник устакхонага ўқишга кириди. Аммо у ердаги ўқув жараёндан қониқмай, 1925 йил Ленинграддаги Бадиий академия қўшидаги Давлат бадиий санъат техникумига ҳужжат топширади ва уни 1929 йили муваффақият билан тугатади. У ватанига «китоб санъати техник рассоми ва таъсирий санъат муаллими» бўлганини тасдиқловчи диплом билан қайтади. У Ўзбекистон давлат нашриётининг графика бўлимига мудир вазифасиға тайинланади. Искандар Икромов дипломи биринчи ўзбек рассоми бўлган.

Дўстининг бундай катта муваффақиятидан қувонган Ойбек «Алтанга» журналида эълон қилинган (1929 йил, 11-сон) «Биринчи қалдирғоч» номи мақоласида шундай ёзган эди: «Ўзбеклар орасидан етишиб чиққан биринчи полиграф санъаткори – китоб доктори (рассоми) ўртоқ Искандар ишига севги ила ёпишганлиги маълум. Кенг ижодиёт соҳасига энди қадам қўётган ўртоқ Искандарнинг мактаб доирасида бажарган ишларида ҳам катта умидлар бахш

этувчи нарсалар бор. Рассомимизнинг самимияти, оригиналиги асарларининг ҳар бир чизиғидан мўралайди. Искандар ҳар бир рассом каби чизиқларнинг, рангларнинг сирини кўп яхши англайди. Чизиқ ва рангларга ҳаёт киргизади».

Шу ўринда рассомнинг шогирди, санъатшунос Нелли Зиганшиннинг устози ҳақидаги қуйидаги фикрларини ҳам келтириш ўтиш жоиз. «Полиграфия ишлаб чиқариш техниксини чуқур ўзлаштирган рассом, – деб ёзади у. – Бир учрашув тарихи» номли ёдномасида. – Илк амалий қадамлариданқош нашр маданиятини кўтаришга киришди».

Рассомнинг «Расм ўрганиш қўлланмаси», «Ўзбекча алифбе безаш қўлланмаси», «Ўзбекча расмлик алифбе», «Китоб ва газеталар қандай босилади?», «Ҳарф ёзишни ўрганиш» каби қўлланмалари ёш рассомлар ва китоб безовчилар авлодининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Чингиз Ахмаров ҳикояси: 1928-1930 йилларда мен Самарқандда яшардим. Уша ердаги педагогика курслари ҳамда мактабларда дарс берардим. Бу ишда менга Искандар Икромов ёзган мақола, қўлланма ва китоблар жуда кўп келган...

1932 йилнинг бошларида мен расмларини кўтариб, Тошкентга жўнадим. Ниятим – график рассом бўлиб, китобларни безаш эди. Самарқанддан Тошкентга жўнаш арасида Елена Каравай деган аёл рассом Искандар Икромовга тавсиянома ёзиб берди...

У кишининг хонаси «Ўздавнашр»нинг биринчи қаватида жойлашган экан. Искандар ака мен билан ниятда самумий сўрашдилар. Мен Елена Каравай ёзган мактубни бердим. У киши мактубни диққат билан ўқий бошлади. Мен у кишини охишта кузатдим. Ушанда меннинг руҳларимда юксак маданиятли киши ўтирганини чуқур ҳис қилдим...

Искандар ака билан қадрдонлигимиз унинг сўнги кунига қадар давом этди...

Нозик дидали, ахойиб инсон Искандар ака ўзбек графика санъатининг карвонбоси эди.

1937 йил Москвада ўзбек санъати декадаси ўтказилган. Шу маданият байрами арасида театр арбоблари олдига Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида мушқали драма спектакли яратиш вазифаси қўйилди. Спектаклга ёзилган

музыка республика раҳбарлариға манзур бўлди шеклили, уларнинг истаклари билан мушқали драма партитураси нашр этиладиган бўлди. Бу китоб шу вақтгача нашр этилган муҳташам китоблардан миллий безаклари билан кескин ажралаб туриши лозим эди. Икромов шу вақтгача орттирган тажрибаси ва бадиий изланишларини партитура муқовасига сафарбар қилиб, ўз ижодида янги саҳифа очди.

Искандар Икромов ҳикояси: Шуни айтиш керакки, 40-45 йилларгача китоб графикаси билан шуғулланувчи профессионал рассомларнинг, Алишер Навоий дәври санъати услубини кунт билан ўрганган рассомларнинг йўқлиги туфайли катта қийинчилик бўлди.

1941 йил уруш бошланди. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи вақтинча тўхтатилса ҳам Навоий асарлари нашр этилаверди. Урушдан сўнг нашр ишлари яна ҳам кенгайтирилди. Жумладан, Порсо Шамс ва бошқа домлалар томонидан нашра ҳозирланган Навоий асарларининг 12 томлиги, Олим Шарофиддиннинг «Алишер Навоий» монографияси, Ҳодид Зарипов билан ҳамкорликда ишланган турли плакатлар ва варақаларға бадиий шакл беришда иштирок этдим.

1955 йили каминиға Алишер Навоий асарлари юзасидан шарафли вазифа топширилди. У ҳам бўлса, муҳтарам дўстимиз Ҳамид Сулаймоновнинг катта гайрати билан нашраға тайёрланган 4 томлик «Хазойин ул-маоний»нинг бадиий бир шаклга солиниши эди. Асар ҳажм жиҳатидан қанча салобатли бўлса, унинг бадиий безалиши ҳам шунча яраша бўлади. Бу иш Иттифокда чиққан гўзал китоблар танловида диплом билан тақдирланди.

Ижодий фаолиятимда 1960 йилда яна бир қувончли воқеа рўй берган. Шу йили хорижда китобларнинг бадиий безалиши юзасидан катта танлов эълон қилинганди. Бу танловға ер шаридаги барча мамлакатлардан рассомлар қақирлиб, Германиянинг Лейпциг шаҳрида симпозиум ўтказилган. Бу танловда иштирок этиш учун Навоий асарлариға мурожаат этдим. Ишимни Шарқ кўлевларини бадиий безаш услубида амалга оширдим ва у Лейпциг шаҳриға юборилди. Мен бу ижодий асарим учун танлов лауреати дипломи ва медалиға сазовор бўлдим.

Алишер Навоий асарларини бадиий

Тарих саҳифаларида

басталаш менинг севимли ва доимий ишим бўлгани сабабли Навоий лирикисига бағишлаб бир асарни тайёрладим ва уни Бутуниттифоқ кўразмамиға юбордим. Бу асарнинг асл нусхаси Канаданинг Монреал шаҳрида (1967 йил, октябрь – Н.К.) ўтказилган кўразмада намойиш қилинди.

Ҳаёт саҳифалари. Катта ижодкорларнинг ҳаёти асосан ижод билан ўтади. «Ўткан кунлар»ни ўқиб тугатган китобхон учун Абдулла Қодирийнинг қаерда таҳсил олгани ёки қаерда ишлагани мутлақо аҳамиятсиз. Худди шунингдек, Искандар Икромовнинг ижоддан ташқаридаги ижтимоий ҳаёти ҳам кўпчиликини қизиқтирмаслиги мумкин. Шунга қарамай, унинг 30-йилларда Самарқанддаги педагогика техникуми ва бошқа ўқув юртралида ўқитувчи бўлиб ишлагани, 1959-1965 йилларда Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раиси, СССР Рассомлар уюшмаси котиби, собиқ иттифоқ ва республика миқёсидаги нуфузли кўмита, илмий, бадиий ва методик кенгашларға аъзо бўлганини айтмаслик, у амалга оширган меҳнатнинг бир қисмини яшириш демакдир. Шунингдек, атоқли рассомнинг ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари бегази учун 1956 йилда иккинчи даражали диплом, 1970 йилда Урта Осиё ва Қозғоғистон Республикалари бўйича энг яхши китоб ва журнал безаклари учун ўтказилган танловда 1-даражали дипломға сазовор бўлганини ҳам ашириш муаллифлик этикасига тўғри келмайди.

Энг муҳими, И.Икромов китоб графикасини санъат даражасига кўтариб, ўзбек миллий китоб санъати палитрасини нақш усуллари билан бойитди.

Ҳаёт бор экан, ўлим ҳам бор. Ўзбек халқининг ардоқли фарзандларидан бири, машҳур китоб наққоши Искандар Икромовнинг юраги 1972 йил 6 ноябрда уришдан тўхтади. Санъат муҳлислари ҳали-ҳанузгача унинг кулуг номи ва ижодий фаолиятини ҳурмат билан ёдга олинади.

Софияхонинг ёдномаси: Баҳор ёмғирларидан сўнг отам кўпинча айвонга чиқиб, мовий осмонда ғалати шаклларға айланган бутуллар саласини жимгина кузатиб ўтиришни яхши кўрарди. Бу шунчаки дам олиш ёки ҳаёлга чўмиш эмас, балки, бизни ўраб турган теваврак-атрофнинг бои, бетакор рангларини илғаш онлари эди. Ва албатта, нозик кузатиш бошқа ҳолатларда ҳам давом этар, табиат лавҳалари, оний лавҳалар қорғоғда жонланар, кейин улар сайқал берилган бадиий-эстетик асарлар, китоблар, альбомлар, буклетлар саҳифалариға кўчиб, иккинчи умрини яшар эди.

Отам тоққа саёҳатға чиқини яхши кўрарди. Бирок ёлғиз эмас, оила билан жамулжам ҳолда чиқарди. Табиат билан тиллашган одамнинг руҳий дунёси ўзгача бўлади. У беғуборлик, ҳалолчилик интилади. Орадан анча йиллар ўтиб, унғайганимиздан кейин анеладимки, отамиз эстетик дидимизни шу тарзда тарбиялаган, инсоний хилларни умрлари мобайнида аста-секинлик билан бизга синдирган эканлар...

Софияхоннинг самимият ва отасига нисбатан ҳурмат туйғулари чакнаб турган бу сўзларидан кейин нима ёзсам ҳам орда қақолаға нуқта қўйиш лозим. «Эски танбур нотаси ҳақида ёзиш эсингиздан чиқди», депсизми? Йўқ, эсан чиққани йўқ. Бу мавзуга кейинроқ қайтамиз...

Наим КАРИМОВ, академик

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-5809

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир хайъати:

- Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурут СОБИРОВ, Сўҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ, Нодира ҚҮЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚҮЙИБНУРДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул китоб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул китоб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:**
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

Чекишда йўқотиш кўп

Мен ҳар кунни ўқиш учун универси-тетта бораман. Баланд бинолар ор-тидаги йўлак-дан ўтаётганимда иккинчи қа-ватда яшовчи ўрта ёшлар чамасидаги бир киши кўпинча уй-нинг тепаси очиқ, пастки қисми панжа-рели айвон-часида туриб олиб, сига-рета чекаётганини кўра-ман. Аввал-лари бунга аксариятми-зията таниш оддий воқеа сифатида қа-раб, унчалик эътибор бер-магандим. Яқинда эса...



Я на ўша йўлак бўйлаб бораётиб, ғалати ҳо-латга дуч келдим. Ҳа-лиги эркак сигаретани чекиб бў-либ, қолдигини паства улоқтир-гач, кўздан гойиб бўлди. Зум ўтмай, унинг ўрнини аёл киши эгал-лади. Кўринишидан у ҳомиладор эди. Шунга қарамай, тамаки тутат-ди-да, панжараға сунганча ва олис-ларға термулганча, мириқиб торта бошлади. Унинг оғзи-бурни-дан бурқсиб чиқаётган тугунни кўриб, кулишни ҳам, илғлашни ҳам билмай қолдим. Шунинг баробарида «Наҳотки, ва аёл чекиш ўзининг ва тугилажак фарзандининг соғлиги учун ўта хавфли оғу, умрнинг за-воли эканлигини билмасми?» деган ҳаёлға толдим.

Дарвоқе, статистик маъ-лумотларға қараганда, дунё бўйича ҳар йили 7 миллиондан зиёд киши тамаки маҳсулотла-рини истеъмол қилиш, 1,2 мил-лионга яқин одам эса, гарчи ўз-лари чекмас-да, сигарета тутуни-дан захарланиш оқибатида вафот этади. Қолаверса, кашандалик ту-файли инсон 25 тадан ортиқ хаста-ликка йўлиқади. Чунки тамаки тутуни таркибида мавжуд моддаларнинг барчаси инсон соғлигининг қушан-тиради. Шундай эса-да, кейинги пайтларда чекувчилар сафи то-бора кенгайиб бормоқда. Бундай ачинарли ҳолатлар шаҳри азим Тошкент кўчалари ва жамоат жойларида, мактаблар ён-атрофида, емакхона ва ишоналарда, аҳоли яшайдиган уйларда ва катта-ки-чик давраларда ҳам кўп кузатишмоқда. Ҳаммасидан ҳам ажабланир-лиси, кашандалар орасида хотин-қизлар ва суяги қотмаган ёшлар ҳам кўп учрамоқда. Масалан, Алкоголь ва тамаки бозорини тар-тибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги маъ-лумотлариға кўра, 2021 йили ёшлар ўртасида ўтказилган сўровнома жараёнида 13-15 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг 1,7 фоизи, жум-ладан, қизларнинг 0,9 фоизи нос чекиши аниқланган. Ёки айтиллик, ўғил болаларнинг ҳар ўн нафарини, қизларнинг ҳар йигирма нафа-ридан бири унинг таъминоти татиб кўрган.

Булardan ташқари, кашандалар иқтисодий жиҳатдан ҳам ях-шигина зарар кўрадилар. Ишонмасангиз, ўзингиз бир ҳисоб-ки-тоб қилинг. Ҳозир дўконларда сотилаётган бир қутти фильтрий сигаретанинг энг арзонси 10000-11000 сўм атрофида. Демак, кун-нига бир қутти сигарета чекадиган киши ҳар ойда ўртача 300000-330000 сўм, бир йилда 3650000-4015000 сўм миқдорда пул сарфлайди. Борди-ю, кўпроқ чекадиган ёки чилимға, электрон сигаретаға ва психотроп моддаларға ружу қўйган бўлса, ундан бир неча баравар кўпроқ маблағини бои беради. Шу тарика ҳам ўз саломатлиғиға, ҳам оилавий даромадиға маълум даражада пу-тур етказилади.

Албатта, кашандаликнинг хунук оқибатларини кўпчилик яхши билади. Шундай эса-да, кейинги пайтларда чекувчилар сафи то-бора кенгайиб бормоқда. Бундай ачинарли ҳолатлар шаҳри азим Тошкент кўчалари ва жамоат жойларида, мактаблар ён-атрофида, емакхона ва ишоналарда, аҳоли яшайдиган уйларда ва катта-ки-чик давраларда ҳам кўп кузатишмоқда. Ҳаммасидан ҳам ажабланир-лиси, кашандалар орасида хотин-қизлар ва суяги қотмаган ёшлар ҳам кўп учрамоқда. Масалан, Алкоголь ва тамаки бозорини тар-тибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги маъ-лумотлариға кўра, 2021 йили ёшлар ўртасида ўтказилган сўровнома жараёнида 13-15 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг 1,7 фоизи, жум-ладан, қизларнинг 0,9 фоизи нос чекиши аниқланган. Ёки айтиллик, ўғил болаларнинг ҳар ўн нафарини, қизларнинг ҳар йигирма нафа-ридан бири унинг таъминоти татиб кўрган.

Хуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари таълим муассасала-рида ўтказган рейдлар чоғи никотинли снос ҳамда «Трамадол», «Лиррика» каби психотроп воситаларни истеъмол қиладиган ўқувчилар борлиғи ва улар орасида жиноятчилик кўпайиб бо-раётгани маълум бўлган. 2019 йили мамлакатимизда ўтказилган сўровнома давомида 18-69 ёшдаги эркакларнинг 20 фоизи, аёл-ларнинг 0,4 фоизи тутунсиз тамаки чекиши аёнлашган.

Мен бир неча кишидан нортимизда тамаки маҳсулотлари исте-ъмол қилувчилар, айниқса, аёллар ва ёшлар нега кўпайиб бо-раётгани ҳақида сўрадим. Улар бунинг асосий сабаби айрим ота-оналарнинг вояға етиб келётган фарзандлари таълим-тарбия-

Соғлиқ – туман бойлик

сига этиборсизлиги, баъзиларининг ўзлари уларнинг кўз ўнгида ошқорча чекиши, олий ўқув юртрали ҳамда мактаблар ён-атрофи-даги савдо шохобчаларида сигареталар соҳаға доир қонунлар ва тартиб-қоидаларға зид ўлароқ, ҳатто ўқувчи ва ёш болаларға ҳам бемалол сотилиши, дўконларда одамларни ўзига жалб этадиган жойларға териб қўйилиши билан боғлиқлигини айтишди.

Тўғри, қонунларимизда бу масалаға ҳам жиддий эътибор қаратилган. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республи-касида чакана савдо қоидаларининг 60-бандиға биноан, ал-коголли ва тамаки маҳсулотларини сотаётган сотувчи йигирма ёшдан кичик кўринган харидордан унинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишни талаб қилиши, ҳужжати мавжуд бўлма-ган тақдирда эса, бу маҳсулотларни сотишни рад этиши шарт эканлиги белгилан қўйилган. Президентимиз 2018 йил 2 июлда имзолаган «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида ушбу ҳужжат фуқаролар соғлигини чилим ва электрон сигареталар чекишининг зарарли таъсиридан, у билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан муҳофаза қилишға, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг таъкилди ва ҳуқуқий шароитларини яратишға қаратилгани таъкидланган. Айни пайтларда соҳаға дахлдор бир неча қонунлардаги нормаларни ўзида муҷассам-лаштирган, аммо муайян камчиликлари мавжуд-лиги туфайли Олий Мажлис Сенатининг шу йил ёзда бўлган йигирма еттинчи ялпи мажлисида рад этилган «Алкоголь ва та-маки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги янги қонун қуйи палата то-монидан қайта кўриб чиқилмоқда.

Демак, мамлакатимизда кашандаликни камайитиришға, унинг ол д и н и олишға ва соғлом турмуш тар-тибни тартиб этишға қи-язмат қи-лувчи қонуний асослар уларға қатъий риоя қи-нун устуворлигини таъ-минлашға имкон қадар ҳисса қўшсак, фарзандлари-миз, яқинларимиз ва ҳамюрт-ларимизни ичиш ва чекишдек зарарли одатлардан холи бўлишға ундасак, бу борада маҳалла оқ-соқоллари, нурунийлар, ота-оналар ва устоз-мураббийлар билан ҳамкорликда иш юри-сак, фойдалор холи бўлаётди.



Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА, ЎзЖОКУ талабаси

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов

Мусаҳҳилар:
Д. Худойберганаева, Д. Рашиданова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуқалилов

Босишға топшириш вақти – 23:20
Топширилди – 23:40

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Бўйи 100 мм, кенлиги 160 мм. 31168 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг шешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shang» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят хисобрақами:
2021.0000.0004.3052.7001, АТИБ «Ishonch bank»
Яшнобод филиали, БИК коди: 00959, СТР: 201133889, ОКЭД: 58130